

# **Термиз туманида Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни - “Ҳосил байрами” кенг нишонланди**



Аграр соҳа заҳматкашлари касб байрами муносабати билан Термиз туманидаги «Сурхон» тантаналар саройида тадбир бўлиб ўтди. Унда илғор фермер ва дехқонлар, механизаторлар, сувчилар, тажрибали томорқа ер эгалари, соҳага хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва қайта ишлаш корхоналари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда туман ҳокими Шуҳрат Назаров қишлоқ хўжалиги ходимларини “Ҳосил байрами” билан самимий табриклаб, дехқончилик учун мураккаб келган жорий йилда ҳам фермер ва дехқонларимизнинг фидокорона меҳнати сабаб ҳосилларимиз мўл-кўл бўлганлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшилганлигини таъкидлади.

Тадбирда бир гурух илғор фермерлар, қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари ва дехқонларимизнинг самарали меҳнати, эришган ютуқлари, соҳа ривожига қўшган ҳиссаси эътироф этилиб, тақдирланишди.

Тўкин ва файзли дастурхон атрофида давом этган концерт дастурида маданият бўлими санъаткорлари ижро этган куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият улашди.